

Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳри маҳаллаларининг аҳамияти

ЖДПИ Тарих факультети тарих
ва уни ўқитиш методикаси кафедраси
ўқитувчи Абдурасулова Дилбар Тўраевна
dilbarabdurasulova71@mail.ru тел:915958327

Аннотация

Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳри маҳаллаларининг аҳамияти мақоласида бугунги кунда Жиззах шаҳри маҳаллаларининг кун сайин ўсиб бориши маҳаллаларнинг шаҳарда тинчлик осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, омма куч-ғайратини бунёткорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани баён этилган.

Калит сўзлар: Маҳалла, гузар, мавзе, кўча, ўз-ўзини бошқариш, жамоа, хурмат, одоб, ишонч.

Annotation

The article on the importance of Jizzakh mahallas during the years of independence states that the daily growth of Jizzakh mahallas plays an important role in ensuring peace and stability in the city, directing the efforts of the people to creativity.

Keywords: Neighborhood, guzar, neighborhood, street, self-government, community, respect, etiquette, trust.

Аннотация

В статье о значении джизакских махаллей в годы независимости говорится, что ежедневный рост джизакских махаллей играет важную роль в обеспечении мира и стабильности в городе, направляя усилия людей на творчество.

Ключевые слова: Соседство, гузар, соседство, улица, самоуправление, община, уважение, этикет, доверие.

Тарихий манбаларга қараганда, маҳалла эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган бўлиб, у асосан катта тепаликларни ҳимоя деворлари билан ўралган кўрғон шаклида бўлган. Кўрғоннинг қуйи қисмида аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Кичик маҳалла шаклидаги аҳоли истиқомат қилувчи масканлар ишлаб чиқариш суръатининг ривожланиши сабабли, кейинчалик катта шаҳарларга айланган. Маҳалла тўғрисидаги маълумотлар Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Махмуд Қошқарий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида кўплаб маълумотлар учрайди. Масалан, Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Берунийнинг “Уй хўжалигини юритиш тўғрисида”, Махмуд Қошқарийнинг “Девони луғати турк” асарларида маҳалла аҳолиси, уларнинг касби-кори, урф-одатлари, анъаналари, диний эътиқоди, хўжалик юритиши ва умуман ўзига хос турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар берганлар¹

Марказий Осиё минтақасида қадимдан инсонлар бир жамоа бўлиб, ҳаёт кечирганлар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда жамоа аъзолари бир-бирига қаттиқ ишонишган ва суянишган. Айниқса, табиий офатлар, очарчилик даврларида инсонлар бир-бирига ёрдам бериб келишган. Натижада, жамоавий онг, хулқ, ахлоқ, тарбия ва бошқа нормалар шаклланган. Мазкур нормалар асосида муайян халқнинг менталитети вужудга келиши ва ривожланиши юз берган. “Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий кадриятларнинг ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидаларини сақланиб қолди. Бу эса жамият

¹ Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т., “Адолат”. 2003. – Б. 23.

олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган¹”. Маҳалла аҳли орасида ўзаро ишонч, бир бирига бўлган ҳурмат, эҳтиром асрлар мобайнида сайқалланиб келган. Ўзбекистонда маҳалла ва унинг жамоси ўртасида ўзаро ишончини ошишида биринчи навбатда, Ислом дини катта таъсир кўрсатган. Айнан, муқаддас динимиз ахкомлари, ҳадисларда келтирилган кўрсатмалар, қатъий қоидалар асосида фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари тартибга солинган. Буларнинг барчаси категорик ахлоқий нормалари сифатида тан олинган.

Маҳаллаларда ёши улуғларга ҳурмат, эҳтиром, барча аъзоларнинг тенглиги, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам ва ишончни шаклланишига олиб келган. Чор Россияси даврида ҳам маҳалланинг фаолияти, унинг мазмун моҳияти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини сўнира олмади².

„Маҳалла“ сўзи арабча „маҳаллун“ сўзидан келиб чиққан бўлиб, аҳоли яшайдиган жой, гузар, уй-жой мавзелари деган маънони билдиради. Маҳаллалар шаҳар ичидаги аҳоли яшайдиган манзил, гузардир.

Маълумки, шаҳар ва унинг атрофида кўплаб маҳалла ва гузарлар касб ва ҳунармандлар номига Кулоллик, Кўнчилик, Заргарлик, Совунгарлик, Қассоблик каби номлар билан ёки маҳалладагиларнинг келиб чиққан жойи номи билан Мулканлик, Яхтанлик, Саройлик, Тошкентлик, Нижонлик, Хавастлик, Раваллик, Ўратепалик каби номлар билан аталади. Қўшни Тожикистоннинг ҳозирги Истаравшан (Ўратепа) шаҳри атрофларида Мулкан, Яхтан, Нижон каби қишлоқлар ҳозир ҳам бор. Бу Жиззах билан Ўратепа ўртасида қадимдан иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигини англатади.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 157

² Олламов Я.Й. Саидова Х.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳукуқий: назария ва амалиёт масалалари. Т., 2006. – Б. 70.

«Жиззахлик» маҳалласи вакиллари ўзларини шаҳарнинг туб аҳолиси деб ҳисоблайдилар. Жиззахдаги айрим манзилгоҳлар муайян табақа вакилларига атаб «Эшон кўча», «Хўжа қишлоқ», «Қаландархона» деб ҳам юритилган. XIX асрнинг 60-йилларида Жиззах шаҳрининг аҳолиси 20 минг киши атрофида бўлган.

XVIII асрнинг II-ярми ва XIX асрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида сиёсий келишмовчиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар Жиззах беклигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қанчалик таъсир қилган бўлса, бекликдаги аҳоли демографияси ва урбанизация жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Урушлар натижасида асосан Бухоро ва Қўқон давлатларининг чегарасида жойлашган Ўратепа, Зомин, Ём каби шаҳар ва кентлар, улар атрофидаги қишлоқ аҳолиси азият чекди. Натижада, хонавайрон бўлган бутун бошли қишлоқлар аҳли мудофаа иншоотлари мустаҳкам бўлган Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофи мавзеларига кўчиб келишга мажбур бўлдилар.

Натижада бу даврда Жиззах Ўрдаси ва унинг атрофида Олмачи, Сулоҳли, Қипчоқ, Қанғли, Сарайлик каби этник номлар билан аталувчи янги маҳаллалар пайдо бўлди¹.


Маҳалла ўтмишдан мерос бўлиб келмокда. Қадим замонлардак маҳаллага эл ишончини, ҳурматини қозонган оқсоқоллар, унинг маслаҳат- тўйлари бошчилик қилиб келишган. Катта-кичикнинг бошини қовуштириб, маҳалладошларнинг оғирини енгиллаштириш, уларнинг туй, маъракалари, расм-русўмларини ўтказишга, рўзғор буюмлари билан таъминлашга бош-қош бўлишган. Маҳалла оқсоқоллари оилавий низоларни бартараф этишга, кўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни бартараф қилишга ҳакамлик қилишган. Ёшларни

¹ Жиззах воҳаси – марказий осие цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” (Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари) Жиззах - 2020 йил. 332 б

тарбиялашда, уларга тўғри йўл- йўриқ кўрсатишган. Маҳаллада ҳар қандай маросимлар кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган. Бас, шундай экан, маҳалла азалдан кишиларнинг эзгулик ва ўзаро меҳр-оқибат маскани бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, маҳаллага муносабат тубдан ўзгарди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида „Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди“, дсб белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда Жиззах шаҳар маҳаллалари жойлашуви харитаси¹



Юртимизда “Маҳалла” институти одамлар ўртасидаги муносабатларда яхши қўшничиликни, ёшларни катталарга ҳурмат ва инсонпарварлик руҳини тарбиялашда, бирдамлик ва ўзаро ишончни ошишида муҳим роль ўйнаб

¹ <http://jizzax.uz/zhizzah-shaar.html>

келмоқда. Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланди, замон талабларига мослашиб, тарансформацияси юз берди. Ҳозирда маҳалла институтининг вазибалари янги мазмун билан бойитилмоқда. Замонавий маҳалла давлатга иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда энг яқин кўмакчисига айланди

Бугунги кунда Жиззах шаҳри маҳаллаларининг аҳамияти кун сайин ўсиб бормоқда. Улар шаҳарда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т.: “Адолат”. 2003.
3. Олламов Я.Й. Саидова Х.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий: назария ва амалиёт масалалари. Т.: 2006.
4. Жиззах вилояти статистика бошқармаси Жиззах шаҳрининг 2017-2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисида ахборотномаси.
5. <http://jizzax.uz/zhizzah-shaar.html>